

МАҲАЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАР АСАРЛАРИДА РОССИЯ -ХИВА
ХОНЛИГИ ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРИХИНИ
ЎРИТИЛИШИ XVI-XIX АСРЛАР.

Мустақил тадқиқотчи: Эримматова Гулноза Азимбой қизи
ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч
erimmatovagulnoza48@mail.com

Аннотация: Мазкур тезисда XVI–XIX асрларда Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва уларнинг тарихи маҳаллий тадқиқотчилар асарлари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: О.Аминов, Г.Тўхтаматов, Х.Г.Фуломов, Г.А.Агзамова, Хива, Россия, Абулғози Баходирхон.

Аннотация: В данной тезисной работе анализируются экономические отношения между Россией и Хивинским ханством в XVI–XIX веках и их история на основе трудов местных исследователей.

Ключевые слова: О. Аминов, Г. Тохтаматов, Х. Г. Гуломов, Г. А. Агзамова; Хива, Россия, Абулгази Баходирхан

Abstract: This thesis analyzes the economic relations and history between Russia and the Khiva Khanate in the XVI–XIX centuries based on the works of local researchers.

Key words: O. Aminov, G. Tokhtametov, Kh. Ghulomov, G. A. Agzamova; Khiva, Russia, Abulghazi Bahodirkhan

Кириш. Мустақиллик йилларида маҳаллий тадқиқотчилар асарларида ўтган аср адабиётлар ҳамда архив манбалари асосида XVI-XIX асрларда Хива ва Россия ўртасида дипломатик ва савдо алоқалари тарихи умумлаштирилган ҳолда ўритилган. Худди ушбу ўритилган тарихий маълумотлар ушбу бандни моҳиятини ўрганиш мумкин.

Маҳаллий тарихчилардан М.Йулдошев, О.Аминов, Г.Тўхтаматов, Х.Г.Фуломов, Г.А.Агзамова, Л. Азиззода, Х.Пиримшоев, М.Ниёзметов, Б.В.Лунин, А.А.Андреев, Р.Ю.Поченкаев, А.Отамуродова, О. Абдурахимов, Н.Аллаева, Қ.Муниров, ўзбек дипломатияси тарихидан (тарихий очерклар ва лавхалар), А.Абдурасулов, М.Маткаримова, К.Худайберганов, К.Юсупов асарларида Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар ҳамда Россия билан олиб борган савдо алоқалари тарихи кенг ўритилган. Айниқса Х.Зиёевнинг Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI-XIX асрлар) асарида ўзбек хонликларининг Россия билан дипломатик ва иқтисодий алоқалари тарихига кенг урғу берилган.

Тадқиқот методологияси қуйидагилар қилиб белгилаб олинди.

Илмий холислик, тарихий – хронологик изчиллик, назарий-қиёсий таҳлил, мунозара, умумлаштириш, якуний хулоса, этнография, география фанлари ютуқларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар [Analysis and results]. М.Ю.Йулдошевнинг Ўрта Осиё ва Россия ўртасида XV-XVII асрларда амалга оширилган савдо ва сиёсий алоқалари тарихи ёритилган. Тадқиқотчи мақолаларида Хива хонлиги бошқарилиши Шайбонийлар сулоласи даврида рус ҳукумати билан олиб борилган савдо ва ўзаро элчилик муносабатларига оид фикр-мулоҳазалари ўрин олган⁹. О.Аминов тадқиқотида эса, Ўрта Осиё мисолида Россия билан иқтисодий алоқаларида Тошкент шахрининг тарихий ўрни ҳамда товар маҳсулотлари олиб борилиши ва олиб келинишига доир фикр-мулоҳазалари қайд қилинган.

Х.Зияев монографиясида ўзбек хонликлари ва Россия ўртасида иқтисодий алоқалар ва дипломатик муносабатлар тарихи атрофлича ёритилган, бунга тадқиқотчилар, архив ҳужжатлари асос бўлган. Монография кириш қисмида рус князликлари билан ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий алоқалари неолитдан бошланиб, XIX аср иккинчи ярмигача бўлган ахборотлар географияси қамраб олган¹⁰.

Тадқиқотчи Х.Зияев монографияси Кириш қисмида Ўзбекистон худудида ўрнашган неолит даври уруғ жамоалари вакиллари. Волга-Дон ва Урал тоғи жанубидан аҳоли билан олиб борган иқтисодий ва маданий алоқаларини XIX аср иккинчи ярмигача ёритилган, умумий хулосаларга эга¹¹. Монографиянинг биринчи боби “XVI-XVII асрлар Ўрта Осиё ва Сибирь биринчи банди XVI асрда Сибирнинг Ўрта Осиё билан алоқаси ва унинг Россия томонидан босиб бўйсундирилиши” тарихига оид маълумотлар ўрин олган. Чунончи, Сибир худудининг кенглиги, XVI асргача кечган тарихий жараён натижалари XVI аср биринчи ярмига келганда рус давлатининг иқтисодий ва харбий қудрати ошганлиги сабаб Астрахан, Қозон ва Сибир хонликлари ҳисобига географик худудини кенгайтирганлиги, рус князликлари билан Астрахан, Булғор ва Олтин Ўрда савдо алоқалари, рус давлатининг ўзбек хонликлари билан нафақат савдо, балки дипломатик муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қилинганлиги масаласи атрофлича ёритилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш кераки, XV–XIX асрларда Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда сиёсий муносабатлар икки томонлама манфаат асосида шаклланиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатган. Тадқиқотчи М.Ю. Йулдошев Хива хонлиги бошқаруви Шайбонийлар сулоласи даврида Россия билан олиб борилган савдо ва дипломатик

⁹ Юлдашев М.Ю. Некоторые документальные данные о связях Средней Азии с Россией (XV-XVII вв) //Известия Ан Уз ССР, 1958. № 4. Ўша муаллиф.-С-28. Юлдашев М. К истории торговых и политических связей Средней Азии с Россией в XVI-XVII века-Ташкент.

¹⁰ Аминов А. Экономические связи Узбекистана с Россией в XVI-XIX веках. Первая Всесоюзная конференция востоковедов. Тезисы докладов и сообщений. –Тошкент. Из-во. АН Уз ССР, 1957- С 107-111.

¹¹ Зияев Х. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI-XIX асрлар)-Тошкент:Фан, 1962-Б 3-29.

алоқаларнинг шаклланиш омилларини таҳлил этган бўлса, О. Аминов Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатларда Тошкент шаҳрининг стратегик ҳамда транзит марказ сифатидаги ўрнини асослаб берган. Х. Зияев эса ўз монографиясида Ўзбекистон ҳудудининг қадимги даврлардан XIX аср иккинчи ярмигача бўлган иқтисодий, маданий ва дипломатик алоқаларини архив манбалари асосида тизимли таҳлил қилиб, Россия давлатининг Ўрта Осиёга нисбатан иқтисодий ва геосиёсий манфаатларини ёритган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. М.Ю. Йулдошев. Ўрта Осиё ва Россия ўртасида XV–XVII асрларда амалга оширилган савдо ва сиёсий алоқалар тарихи. — Тошкент, 2015.
2. О. Аминов. Тошкент шаҳрининг Россия билан иқтисодий муносабатларида туганган ўрни. — Тошкент, 2017.
3. Х. Зияев. Ўрта Осиё ва Россия иқтисодий ва дипломатик муносабатлар тарихи. — Тошкент: Фан, 1989.